



YOSHLAR OVOZI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА "Д.И.МЕНДЕЛЕЕВ НОМИДАГИ РОССИЯ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ УНИВЕРСИТЕТИ" ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиётининг sanoat tarmoqlari uchun mалакали кадрлар тайёрлашнинг янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар режаси ("Йўл харитаси") нинг ижро этиши мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзкимёсаной" АЖ ва "Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — Университет) Тошкент шаҳрида "Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин (кейинги ўринларда — Филиал).

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: республиканинг sanoat tarmoqlaridagi muhim ilmiy-технологик vazifalarni hal etishga ko'ndirib berilgan yuqori mалакали muhandis-техник кадрларни халқаро таълим стандартларига мувофиқ тайёрлаш; наноматериаллар кимёвий технологияси, материалшунослик ва материалларни коррозиядан сақлаш, материалларга бадиий ишлов бериш технологияси ва sanoat ishlab chikarishning bosqa soxalarida fundamental va amaliy ilmiy tadqiqotlar olib borish; taъlim hamda ilm-fanning uzluksizligi va izchilligi, shuningdek, ularni jahon taъlimi va ilm-fani hamjamiyatiga integratsiya qilish hisobiga mutaxassislar va ilmiy-pedagogik kadrlarni tayyorlash, kaita tayyorlash va mалаkasinini oshirish;

muhandis-техник va ilmiy kadrlar tayyorlash tizimini такомиллаштириш va modernizatsiya qilishga iynalтирилган yangi taъlim dasturlari hamda uqitish shakllarini ishlab chikish va tabiiq etish; taъlim, ilm-fan va ishlab chikarishning yaqin integratsiyalashuvi uchun shart-sharoitlar yaratish; ilmiy-pedagogik salohiyatning rivojlanishini qulab-quvatlash, pedagogik tehnologiyalar va uqitish usullarini faol такомиллаштириш; taъlim hamda ilmiy-техникaviy soxalarla horijiy mалаkatlarni etakchi taъlim muassasalari, ilmiy-tadqiqot markazlari va biznes hamjamiyati bilan uzok mudдатli munosabatlarni rivojlantirish va mustaxkamlash.

3. Belgilansin: Филиал Университетнинг aloxida tarkibiy bolumi — oлий taъlim muassasasi hisoblanadi; Филиал, Университет bilan kelishgan holda, taъlimning birlamchi йўналишлари va magistratura mutaxassisliklarining kadrlarga bulgan ehtiёjini hisobga olib, barcha darajalardagi mutaxassislarini tayyorlash, kaita tayyorlash, mалаkasinini oshirish, shu jumladan, ilmiy-pedagog kadrlarni tayyorlash ishlarini amalga oshiradi;

Филиалда uqitish rus tilida, Rossiya Federatsiyasining federal taъlim standartlariga muvofiq Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус taъlim vazirлиgi bilan kelishilgan holda Университет tomonidan belgilanadigan талаб, tartib va mudдатlarга muvofiq amalga oshiriladi;

Филиал битирувчиларга uqitishni bitirganlaridan sung Ўзбекистон Республикасида oлий taъlim tўғри-

сидаги хужжат sifatida tan olinadigan belgilangan namunadagi diplom beriladi.

4. Maълumot uchun kabul kilinsin: а) Университет куйидагиларни taъminlashda kumaklashadi: uquv jarayoniga ilgor pedagogik va axborot tehnologiyalari, fan va texnikaning eng yangi ixtisarlari joriy etish;

Филиал mutaxassislarining mалаkasinini oshirish va professor-uqituvchilar tarkibini kaita tayyorlash; Филиал kutubxona fondini shakllantirish hamda uni zamonaviy uquv, uquv-uslubiy va ilmiy-техникaviy adabiyotlar bilan tўldirish;

б) Тошкент кимё-технология институти Филиалнинг akademik hamkorini hisoblanadi va u: Филиалнинг professor-uqituvchilari tarkibini shakllantirishga kumaklashadi;

илмиy-методик ёрдам kўrsatadi, laboratoriya va ilmiy-tadqiqot ishlarini bajarish uchun laboratoriya xonalari, uquv adabiyotlari hamda usunalarni beqarar asosda taъdim etadi.

5. Куйидагилар: Тошкент шаҳридаги "Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалида бакалаврият таълимининг асосий йўналишлари va magistratura mutaxassisliklari 1-иловага muvofiq;

Тошкент шаҳридаги "Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш бўйича **Ташкилий комиссия таркиби** 3-иловага muvofiq maълумлансин.

(Давоми 2-саҳифада).

Nuqtayi nazar



МАКТАБ ФОРМАСИ нархлар мунозарага сабаб бўлмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги "Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини зamonaviy ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2019-2020 ўқув йилидан бarcha ўқувчилар дарсга ягона мактаб формасида келиши шарт.

Хужжатда қайд этилганидек, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси мактаб формасини ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхатини худудлар kesimida shakllantirib, mahalliy xo'kimliklar bilan birga har bir tuman va shahar markazida ushbu korxonalarining savdo shoxobчаларини tashkil etadi. Demak, ota-onalar formani fakat mahsus savdo rastalaridan xarid qilishi mumkin.

Қумқўрғон туманига мактаб формалари 1 – 6-синф ўқувчилари учун 212-276 минг, юқори синфлар учун 318-350 минг сўмдан етказиб берилган бўлди. Бу арзонлаштирилган нарх. Бир қарашда, унчалик қиммат эмас. Лекин республикамиздаги бarcha оилаларнинг шароитини бир хил деёлмаймиз. Устига-устак, мактабда тўрт-беш нафаргача фарзандини ўқитаётган оилалар бор. Назаримда, кўп фарзандли оилалар учун қўшимча чегирамалар кўзда тутилгани маъқул.

Ягона мактаб формасининг нархи ижтимоий тarmoqlarda kўлаб муnozараларга сабаб бўлмоқда. Билдирилайтган фикрлар турлича. Шулардан биттаси эътиборимни торти: "Нарх сира қиммат эмас. Ахир, бугун ўртмиёна яшаётган оила ҳам фарзандига неча миллион сўмлик телефон олиб бeraпти-ку!".

Бу гапда ҳам жон бор. Ўйлаб қарасак, мобил телефон сотиб олиш ва уяли aloка тизимидан фойдаланиш учун har oйда falon pul sarflaymiz. Лекин шунча харажат килдим, деб ogринмайсиз-ку. Aslida bolaning kelajakida qanday kimmatbaho telefon эмас, oлаётган bilimni, uqitgan kitobni va albatta, oлоб-axloki beltilab beraди.

Хуршид АБДИРАИМОВ, Қумқўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси

Tanlov

"LEGAL PROPAGANDA" — ГОЛИБ



Ёшлар ойлиги доирасида "Ёшлар ва қонуни" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Иттифоқ ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган танловда Гулистон, Ширин шаҳарлари,

Сайхунobod, Okolтин туманлари jamoalari kатнашди. Танловда суд жарёнларидан lavxalar, сўнги уч йил ичида жамиятимизда юз берган сиёсий ўзгариш, қабул қилинган қарор, қонунар мохияти асосида саҳна кўринишлари намойиш этилди. Яқунда вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидagi хорijий тилларга ихтисослаштирилган



мактаб-интернатнинг "Legal propaganda" jamoаси goлиблигини kўлга kiritib, respubliка босқичига йўланма олди. — Ўтган йили "Хуқук билимдонлари" танловининг республика босқичида номинатсия билан чеклангандик. Бу йил, албатта, биринчи ўрин учун курашамиз, — дейди голиб jamoa сardлори Шохрух Кўчқоров.

Анвар ТҮЙЧИЕВ

"Буюк келажак" эксперти: ЭНДИ ЁНДАШУВ ЎЗГАРЯПТИ
Инсон капиталини ривожлантириш учун таълим соҳасида қилиниш керак бўлган ишлар жусузида "Буюк келажак" экспертларидан бири, Япониядаги Нагоя иқтисодий университети профессори Алишер Умирдинов билан суҳбатлашдик.
(3-саҳифага ўқити).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан ДТМ ҳузурда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.



Ittifoq kafilligi ostida



ЯНА БИР ЁШГА ИМКОН БЕРИЛДИ

Инсонга ҳаёт бир мартаба берилди. У шу фурсатни яқинларига, ота-онасига, жамиятга сидқидилдан хизмат қилишга, юртини обод этишга сарфлайди ми ёки... Тажрибасизлиги ва ён-апрофдагиларнинг эътиборсизлиги туфайли бегона кўчаларга адашиб кириб қолган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлганларнинг кечирилиши юксак инсонийлик намунасилир. Билиб-билмай жиноят ташкилотлари кафиллиги асосида қамок жазосидан қутқариб қолиш амалиёти шахсан Президентимиз ташаббуси билан жорий этилди.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судида 24 ёшли Одилжон Ғафуровнинг иши кўриб чиқилди. Одилжон Жиззах шаҳрининг Учарик маҳалласида истикомат қилди. Шаҳардаги sanoat касб-хунар коллежининг архившунослик йўналишини таоммолган. Кейинчалик эса савдо-сотик ишлари билан шуғулланган. Унинг оиласи намунали оилалардан бўлган.

Эндигина уйланиб, бахтли ҳаёт кечирини уйлаган йигитнинг орзулари армонга айланиши мумкин эди. Одилжон билиб-билмай тақикланган ижтимоий тarmoqlарга

Keyingi sonda o'qing!

Ставрополь фестивали таассуротлари

Россиянинг Ставрополь шаҳрида ШХТ ва БРИКС мамлакатлари вакиллари иштирокида ўтказилган "Талабалар баҳори" III халқаро фестивали якуний паллага кирди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг салкам 50 кишилик делегацияси мазкур йирик анжуманда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Рус диврида юртимиз ёшлари кимларни қобил қолдирди, қандай муҳим гоёларни илгари сурди, нечта танловда голиб бўлди, ёш дипломатлар нималар ҳақида музокара олиб борди, фестивал иштирокчиларига энг кўп соғва тарқатган мамлакат қайси, рус матрешкаларини бўши қийинми, Ставропольга филнинг нима aloқаси бор, нега келажакда журналистик узаариши, газеталар эса яшаб қолиши керак?

Шу ва бошқа саволларга муҳбиримиз Нарезза Умарованинг фестивалдан тайёрлаган махсус репортажида жавоб топишингиз мумкин.

Ҳасан УСМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА “Д.И.МЕНДЕЛЕЕВ НОМИДАГИ РОССИЯ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ УНИВЕРСИТЕТИ” ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада).

6. Ташкилий комиссия:
2019 йил 1 августта қадар Филиални жойлаштириш бўйича бино ва иншоотлардаги зарур таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш, шунингдек, Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшаш учун ётоқхона тайёрлаш;
2019 йил 25 августта қадар Филиални жойлаштириш ҳамда уни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, кутубхона фонди, компьютер ва бошқа оргтехника билан таъминлаш;
7. Белгилаб қўйилсинки:
а) Филиалга қабул квоталари манфаатдор вазирилик ва идораларнинг тегишли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, Университет ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик билан келишилган ҳолда, Филиал Вазирлик кенгашининг қарори билан тасдиқланади;
давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари республика ташкилотларига беш йилдан кам бўлмаган муддатга мажбурий ишлаб бериш шартини таъминлаш;
б) Филиал фаолиятини молиялаштириш талабаларни давлат грантлари бўйича

Ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазириликга ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан, бироқ Филиалга ўқитиш қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда; талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;
Вазирлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомилик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари;
халқаро молия институтлари грантлари;
қонун ҳужжатларида тақинланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилди.
8. Филиал Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 47-уйда жойлашган Мирзо Улугбек сановат касб-хунар коллежи биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.
Белгилаб қўйилсинки, Мирзо Улугбек сановат касб-хунар коллежи ўқув жараёнини Мирзо Улугбек сановат касб-хунар коллежи биносига ўқитиш биттуғи қадар давом эттириладиган.
9. “Ўқимёсанот” АЖ қорхоналарининг уларнинг маблағлари ҳисобидан

Филиални ташкил этиш, унинг моддий-техника ва ўқув базасини шакллантириш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни, шу жумладан, бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва бошқа оргтехника, кутубхона фонди билан таъминлаш ишларини молиялаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.
10. Белгилаб қўйилсинки, Филиалга Университетдан жалб қилинадиган профессор ва ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатлари ўқув жараёнининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.
11. Филиалга ўқитувчилик ва илмий фаолият олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилсин.
12. Белгилансинки, Филиал таъминоти учун бюджет ажратмалари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилди, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳа-

нинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Университет ва “Ўқимёсанот” АЖ билан ҳамкорликда:
икки ой муддатда таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва келишиши, Филиалнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва унинг ташкилий тузилмаси тасдиқланиши;
2019 йил 1 августта қадар Филиалнинг таълим асосида малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан тўлдирилишини таъминласин.
14. Филиалга иккита енгил автотранспорт, жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи автотранспорт воситасини саклашга лимит ажратилсин.
15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.
16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик Олий ва ўрта махсус

таълим вазирилик ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун давлат божи ундирилмасдан белгиланган тартибда кўп марталик визалар берилиши ва улайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш манзиллари бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унинг муддати улайтирилишини таъминласин.
17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш учун тасдиқномалар берилишини (муддати улайтирилишини) таъминласин.
18. 2022 йил 1 июнга қадар Филиал фаолиятини таъминлаш ва уни жиҳоз-

лаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-методик адабиёт, инвентарь ва моддий-техник ресурслар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.
19. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамасига таклифлар киритсин.
20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуқахимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2019 йил 7 июнь

Fuqarolik pozitsiyasi

Одамларда моддий эҳтиёжлар ортгани сари маънавияти шунчалик қашшоқлашиб бораётгандек. Инсон эҳтиёжларининг қурбони бўлаётган атроф-муҳитни кузатиб, ташвишимиз янада ортади.

Бугун экология ифлосланиши туфайли фарзандсизлик, болаларнинг нуқсон билан туғилиши, ўлим ҳолати кўпайиши ва яна бошқа нохуш вазиятлар кузатилаётган. Бу каби муаммолар юзага келишида маиший чиқиндиларнинг ҳам таъсири катта бўлмоқда.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2017 йил 21 апрелда давлатимиз раҳбарининг “2017–2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланган эди.

Бундан ташқари, Президентимиз жорий йил 3 июнда Тошкент вилоятига ташрифида Оҳангарон туманидаги чиқиндиқопар фаолиятига ҳам тўхталиб ўтганди.


— Вилоятда долзарб бўлган яна бир муаммо экология билан боғлиқ. Тошкент шаҳридаги маиший чиқиндилар ташланадиган Оҳангарон туманидаги полигон 98 фоизга тўлган. Шунинг учун бу полигонни ёпиб, янгисини қуриш керак. Бу экология тозаллиги, аҳоли саломатлиги учун муҳим масала, — таъкидлаганди давлатимиз раҳбари.

Чиқиндиларни қайта ишлаш, уларни ташвиш хизматини тартибга солиш керак. Хориж тажрибасига назар соладиган бўлсак, ривожланган мамлакатлар, хусусан, Хитой, Франция, АҚШ, Германия, Италия ва бошқа давлатларда чиқинди билан боғлиқ муаммолар кам учрайди. Сабаби бу мамлакатларда чиқинди ташвиш, тозалаш ишлари кечки соат 22:00 дан тонги 07:00 га қадар давом этади. Чиқиндилар кечки соатларда ташвиш, кечаю кундуз тиним билмай ишлашга, асаббузарликка ҳожат қолмайди. Кўчаларда автомобиллар тирбанд пайтда чиқинди машиналари атрофга ёқимсиз ҳид таратиб, дилни хира қилмайди. Энг асосийси, экологиянинг бузилишига таъсир этувчи сабаблардан ҳеч бўлмаганда биттаси камайд.

“Махсустрас” хизматининг иш вақтини кечки 22:00 дан тонги 07:00 га қадар белгилаш керак. Таклиф оддий. Бироқ ҳамма нарса шу оддийликни писанд қилмасликдан бошланиши ҳам бор гап.

Раъно ИБРАГИМОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази кутубхоначиси

“МАХСУСТРАНС”ГА ТАКЛИФ



Buyuk siymolar

Чингиз Айтматов (1928 йил 12 декабрь – 2008 йил 10 июнь) асарлари энг кўп ўқиладиган, нашр этиладиган, ўгириладиган, ўрганиладиган, экранлаштирилган, саҳналаштирилган машҳур сўз усталари сирасидан. Адиб ижоди, фаолияти ҳақида ёзилган барча мақола, китоб, тадқиқотлар жамлашиб, устма-уст тахланса, бўйидан ошиб кетар, баланд пирамида пайдо бўларди. Бу – муболага эмас.

САЙЁРАВИЙ
ТАФАККУР АДИБИ

Ўтган асрнинг олтинчи йиллари бошларидаёқ адабиёт, санъат илмларида айтматовшунослик деган соҳа юзага келди ва жадал ривожланиб, кенгайиб кетаётган. Асарлари ҳозирга қадар 180 дан ортиқ тилга таржима қилинган ва миллион-миллион нусхаларда нашр этилган қирғиз адиби Фирдавсий, Низомий, Навоий, Руставели, Шекспир, Данте, Гёте, Пушкин, Толстой, Достоевский, Чехов, Тагор каби буюк сўз усталари қаторида саналиб, улуғланди.

Билингвист ёзувчи икки тилда – қирғиз ва рус тилларида қалам тебратган бўлса ҳам, она тилини биринчи ўринга қўйган ва қадрлаган. “Она тили мўъжизаси”, “Лисоний фазо”, “Ўзим ҳақимда”, “Манас ота қорлари” мақолалари, “Болалигим”, “Рух улдувворлигига қасида”, “Чўққиди қолган овчининг оху зори” китобларида айтган фикрлари бунинг далояти. Таржимаи холи чизилари, мақола, интервью, кундалик, хат, қайдлари бетакор бадиий маҳорати сирларини очиб, “Жамила”, “Юзма-юз”, “Бўтакўз”, “Сарвкомат дилбарим”, “Биринчи ўқитувчи”, “Сомон йўли”, “Орта қайтган турналар”, “Соҳил бўйлаб чопайган олапар”, “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема”, “Асрни қаритган кун”, “Кибмаг”, “Кассандра тамгаси”, “Тоғлар қулаганда” каби асарлари, драматургияси, публицистикаси, танқидчилигини теранроқ тушунишда кўшимча қалит вазифасини ўтайди.

Кўпчилик адиблар сингари Чингиз Айтматов ҳам ижодий фаолиятини журналистикадан бошлаганини — Қирғизистон кишлоқ ҳўжалиги институти талабаллиги пайтлари газеталарга хабар, ҳисобот, лавҳалар ёзиб турганини, “Қирғиз тили терминологияси тўғрисида”, “Қирғизча-русча лугат хусусида”,

“Оригиналдан узоқ таржималар” каби жиддий мақолалар эълон қилганини эслаш жоиз. Машҳур ёзувчи бир умр журналистикага содиқ қолди. “Адабий Қирғизистон”, “Иностранная литература” журналларини бошқарди. “Правда”нинг Урта Осиё республикалари бўйича ўз мухбири вазифасида ишлади. Ён дафтарлари, мақола, очерклари йирик бадиий асарлар яратишида кўп асқатган.

Чингиз Айтматовга катта шухрат келтирган асар “Жамила” киссаси бўлди. Кейинчалик адиб илк асарини қўлаб-қувватлаган, ўзига “оқ йўл” тиланган улкан қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезовни, машҳур рус шойри, “Новый мир”нинг жасоратли муҳаррири Александр Твардовскийни, танқиди сўз устаси, француз тилига ўгириб, “Мухаббат ҳақида жаҳонда энг гўзал кисса” деган илк сўзбоши ёзган Луи Арагонни кўп бор миннатдорлик билан эслайди. Илк асари зўр чиқиб, тилга тушиб, иккинчи, учинчи, кейинги асарларини маҳорат жиҳатдан биринчиси даражасига чиқара олмаган ёзувчилар ҳам бўлади. Не бахтки, Айтматовда бу ҳолат кузатилмади. Ҳар бир асари мавзусининг долзарблиги, муаммоларнинг ўткирлиги, тасвирнинг тиник, образлилиги, характерларнинг ёрқин ва тилиқлиги, тилининг гўзал ва жозибадорлиги каби фазилатлари билан воқе бўлганини адиб ва мунаққидлар яқдил таъкидлашди.

Адиб ижодининг теран ва собитқадар тадқиқотчилардан Паризда Мирза-Ахмедова шундай ёзди: “Айтматов Урта Осиё ёзувчилари ичида биринчи бўлиб жаҳон адабиёти қаҳқашонида ёрқин юлдуз бўлиб порлади. Бетакор услуби, ажойиб-ғаройиб бадиий ифодалари билан ҳам чорасизлик, фоживийлик уфуриб, ҳам муҳаббат ва ёрқин чўғланиб турган улкан миллий оламни кашф этдики, бу олам куч-қудрати ва ахлоқий софлиги билан барчани хайратга солди. У ҳақда сўз кетганда воқеликнинг энг сирли қатламларида яшириниб ётган мураккаб зиддиятларни олдидан илгаш, юзага чиқариш истаъдодига эга санъаткор дейишди. Давр, Инсон ва Табиат алоқдорлиги янги тарзда қўйилган янги роман тафаккури

Айтматов номи билан боғлиқдир”.

Айтматов публицистикани фуқаровий бурчи, қалб даъвати, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг қудратли воситаси, сайёравий-жаҳоний тафаккурнинг самарали ифодаси деб ҳисоблар эди. “Сайёравий тафаккурнинг моҳияти шундаки, ҳар бир одам бошқа одам, ўзга юрт одамлари ҳақида ўзи ҳақида ўйлагандек ўйласин, уни бошқаларнинг дарди ва бахти, гўсса ва байрамлари ташвишлантирсин, токи уни бу оламда қандай яшаш, уни яхши томонга ўзгариш учун нима қилиш керак, деган саволлар доимо безовта қилиб турсин”, дейди адиб бир суҳбатда. Кейинги йигирма йилликда ёзган “Инсонга ишонаман”, “Дунёни янгилик қўриш эҳтиёжи”, “Заминга зил

кадриятларга нописандлик, худбинлик, локайлик, гарбдан кириб келаятган “оммавий маданият” хавфидан огоҳ этган эди.

Давлатимизнинг “Дўстлик”, “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирланган Чингиз Айтматов халқимизнинг садокатли дўсти, адабиётимиз, санъатимизни қадрловчи инсон эди. “Ўзбек халқининг тадқиқини ўз тақдиримдан ажратиб қаролмайман... Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Урта Осиёга кўрсатган таъсирини кўнча Византиянинг қадим Рустага кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин... Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз бўлиб келган”. Қандай улдуввор ва самимий таъриф! Адиб асарлари эълон қилиниши билан А.Рашидов,

“Энг қимматли бойлик – халқнинг ахлоқий маданияти. У йўқ жойда юксак онглиликни кутиш беҳуда”; “Биз лисоний фазода яшаётимиз...”

кетяптими?..”, “Энг катта галаба – ўз устидан галаба”. “Қандай қилиб бирга, ҳамкор яшашни билишимиз керак”, “Этлик худбинликдан қутулишимиз лозим”, “Китобсиз инсоният ўзлигини йўқотди”, “Жаҳаннам узра қарғалар фарёди” мақолалари, “Ер ҳам сув-ла ҳамкор, яққалам...”, “Мақола, суҳбат, диалоглар”, “Рух улдувворлигига қасида”, “Учиб кетаётган қушлар галасига хайр-маъзур” китоблари бунинг далилидир.

“Энг қимматли бойлик – халқнинг ахлоқий маданияти. У йўқ жойда юксак онглиликни кутиш беҳуда”; “Биз лисоний фазода яшаётимиз. Тарихан юзага келган лисоний экология табиат экологияси сингари мураккаб ва мўрт эканлигини унутмаслик лозим”; “Ёшлар, социал инқилобга умид боғламанг. Инқилоб – бу исён, кўр-кўрона аксизлик, оммавий зўрлик, миллат, халқ ва жаҳоннинг умумий ҳалокати. Биз буни кўп билдик, бошдан ўтказдик. Демократик ўзгаришлар йўллариин изланг. Эволюция вақт, сабр-тоқат ва келишув, бахт-саодатни куч билан эмас, аста-секин қўлга қиритиш, мустаҳкамлаб боришдир...”. Бундай доний фикр, ҳикмат, малол келмайдиган пандлар адибнинг публицистик, бадиий асарларида бехисоб. Келажакни олдидан кўра олган ёзувчи ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ бадиёти, публицистикасида истаъ-молчилик пойғаси, наркомания балоси,

И.Гафуров, С.Қораев, Ё.Ужамбердиев, Н.Боқий, М.Махмудов, Н.Қобул томонидан тилимизга таржима қилиниб, нашр этилган эди. Адиб юртимизга кўп марта келган. О.Ёқубов, П.Қодиоров, Миртемир, Шукрулло, А.Орипов, Э.Воҳидов, Т.Қайибганов, А.Сандов, А.Мелибоев, А.Жўрабоев ва бошқа ёзувчилар, олим, арбоб, санъаткор, журналистлар билан яқин, қадрон бўлган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 2 апрелда “Улдуввор адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” қарор чиқаргани ва бу тарихий ҳужжатнинг барча бандлари тўлиқ бажарилгани жамоатчиликнинг ёдида: адиб асарлари қайта-қайта нашр этилди, кисса, романлари асосидаги спектакллар театрларимизда қўйилди, қўйилди, махсус ҳужжатли фильм яратилди, мактаб ва кўчага номи берилди, бюсти ўрнатилди, илмий конференция, ижодий учрашувлар ўтказилди, оммавий ахборот воситалари туркум мақола, эшиттириш, кўрсатувлар берди, ижоди ҳақида бир неча китоб нашр этилди. Ҳали бирор хорижий адиб бундай баланд ҳурмат-эътибор билан хотирланмаган эди.

Саиди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси,
мунаққид, публицист

Ona tilim, sen borsan, shaksiz!

МИЛЛАТ ИЗЗАТИ НАФСИ



Нафас олаётганимизга доим ҳам аҳамият бермаганимиз каби она тилимизнинг бугунги қиёфасию эртанги кечмиши ҳақида қайғуриш йилда бир маротаба зийлларимиз ёдига тушади. "Октябр" менинг талаффузимда шундай юмшатиш белгиси — "Ъ" йўқ!

Истеъмолдаги алифбозимизга бу мусофир белги қайдан келиб қолганини билмасам-да, унинг адашиб келганини, натижада, бугун бир улкан миллат тили "юз"ига ҳуснбузар бўлиб турганини аниқ биламан. "Ъ" — муайян хорижий тиллар талаффузининг имловий эҳтиёжи ўлароқ юзага келган. Демак, ўзбек тили ва имлоси унга муҳтож эмас!

Агарда у талаффузимизда иштирак этса, худди таъбирга мўлжалланган куй балалайкада чалингандек эшитилади. Кўп ҳолларда, "факультет"ни "факультет", "роль"ни "роль", "Польша"ни "Польша", деб айтишимиз кўйини ўз чолғумиз бўла туриб, бошқа чолғуда чалинша чирраганимиз оқибатидандир. "ИЗЗАТИ НАФС" бирикмасига беш томлик луғатимизда "Иззати нафе — кишининг ўз назаридоғи, ўзига нисбатан иззат-хурмати; хурматлаб, нафсоният", дея изоҳ берилган ("Ўзбек тилининг изоҳли луғати". II том, Тошкент, "ЎзМЭ", 2006 йил. 180-бет). Албатта, бу изоҳ сўзларнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган маънога ойдинлик киритади. Бирок "иззати нафе"нинг моҳиятан гурур ва ор-номус билан алоқдорлигини ҳисобга олсак, унинг залварини бир неча изоҳга го этиш мушкул эканини фахлмаймиз. Сўзлашувда муайян шахсиятга нисбатан: "иззат-нафсимга тегди", "иззат-нафини сақла!", "фалончи иззат-нафини ҳамма нарсадан устун қўядиган одам" каби бирикма-ларини қўлаймиз. Масалан, иззати нафси уйғок одам исм-фамилияси нотўғри айтилганда, дарҳол эътироз билдиради. Шунга кўра, бу ҳолат шахс иззати нафсига мисол бўлади. Яна, миллат иззати нафси, деган тусуна борки, унинг қадрият, урф-одат, дин, менталитет каби асосий ва дахлсиз бўғинлари қато-

рида тилининг қўлами ва нуфузи юксакроқдир. Чунки ҳар доим миллат қиёфасини аниқлашда тил — энг асосий восита ҳисобланган. Бир ажнабий томонидан исми: "Тулкин", "Мусурмон", "Джумакул", "Тул-ям"; жой номларимиз эса: "Ташкент", "Фергане", "Термез", "Джизак" каби айтилгани ёки ёзилгани эмас, балки кўпинча юртдошларимизнинг бу борада хорижликларга тақлид қилиши, гўё шу орқали "замон билан ҳамнафас" бўлиши, имлода (хусусан, шахсни тасдиқловчи гувоҳномаларда) ота-боболари номларини ҳамон нотўғри кайд этаятгани; хорижий тилдаги атоқли отларни ўз талаффуз тарзию имло йўсини нуқтан назари қолиб, байин хорижликлар сингари бенуқсон истифода қилиши ҳолатлари — миллат иззати нафсига тегади!

Бугун тез-тез "йўқлаб" турадиганимиз, қуйидаги айрим ўрнча ("Ўрис" демок ўзбекиона!) сўзларга диққат қилинг.

Олқиш-тахсини ифода-ловчи сўзлар: "малалес" (ўрнча "молодец"). Ўзбекча талаффуз ҳодисасига учраган навбатдаги сўзларни ҳам имловий жиҳатдан хато, деб ҳисобламаймиз!; ўрн-жой номлари: "магазин", "кари-дор", "парк", "кресло", "скамей-ка"; касб-кор эгалари номлари: "шафёр", "буғалтир", "тренир", "редактир", "суля", "врач", "мили-са"; уй-рўзгор буюмлари номла-ри: "плюсо", "тарелка", "вилка", "лезва", "ваза"; кийим-бош ном-лари: "кастум", "тлаш", "галстук", "шапка", "ремен", "заколка"; ки-риш сўз, боғловчи ва ундоз сўз-лар: "канешна", "опше", "вапше", "проста", "давай", "перёт", "агон"; ранг-тус номлари: "аранжи", "жолти", "мокре асфалт", "тём-ний сини", "салативи", "розиви", "сери"; тановул вақтини билди-рувчи сўзлар: "зафтирник", "абет", "ужик"; қийишлар: "туйой", "дур-рак", "нервинни", "слаби" ва ҳока-зо.


Турмушимизнинг бошқа жаб-халарида ҳам бу каби юзлаб ажна-бий сўзлардан фойдаланамизки, оқибатда, ўз сўзларимизнинг тобо-ра истеъмолдан чиқиб бораётгани (ҳозирча, бу жараён бизга сезилмай кечмоқда!) ҳаёлимизнинг бир че-тидан ҳам ўтмайди. Ҳолбуки, ти-лимизда юқорида келтирилган ҳар бир сўзнинг ўзимизга хос ва мос, тарихий келиб чиқиб (этимологик) асоси мустаҳкам бўлган, халқнинг доғишманлигию топқирлигини намоён этувчи гўзал маъноли муко-били мавжуд!

Масалан, **наботот номлари:** "кунгабокар", "откулок", "одами-гех" ("женшен"), "мажнунто", "хандониста", "часнгул"; **нар-са-буюм номлари:** "кўзойнак", "бўйинбоғ", "ёнойна", "ёмгирпўш", "хатжилд", "тўғнағич" ("заколка"); "кампиригиз" (омбур), "қибланамо" ("компас"); **хайвонот номлари:** "хонқизи", "бойўгли", "сасикпо-пишак", "жондор", "калдиргоч", "типратикан"; **ўрн-жой номлари:** "муйилпш", "шаршара", "шийпон", "дахлиз", "хиёбон", "ғулдомгардиш" ("лабиринг"), "бўсага"; **ранг-тус номлари:** "шафакранг", "жигар-ранг", "пуншти", "қулранг", "тўк кўк", "сутранг" ва ҳоказо.

Шу ўринда савол туғилади: нега хориж киноларининг соф ўзбек ада-бий тилидаги таржимасини марок-

билан кўрамуз, миллий кинолари-миздаги соф ўзбек адабий тилини расмий оҳангда ўқилгандек қабул қиламиз? Киномиз тили билан сўз-лашув услубимиз ўртасида сезилар-ли даражада масофа борлигини, кахрамонлар худди публицистика услубда матн ўқиб эшиттиратган-дек туюлади. Чунки киноларимиз ("хонтахта кино"лар назарда тутил-майпти!) тили кулогимизга қуйил-ган, биз кунда истеъмол қилаётган ажнабий сўзлардан халос этилган, боиси ўзимиз аксарият ҳолларда икки ва ундан ортик тилга мансуб сўзларни битта гапда қўлаймиз — шунга ўрганиб қолганмиз: "Абет-дан кейин телефон қиламан, ҳозир вапше вақтим йўқ"; "Астановадан кейинги биринчи паваротдаги домга келасиз"; "Қизим, эшик-фортичка-ларини очгин-да, каридор, спалнинг пласосла, унча мен пасудаларни юиб тураман" (сўзлашувдан) ва ҳоказо.

Биринчи воқеа. Асли ўрис, лекин ота-боболари ҳам юртимиз-да камол топган, ўзбекча лутғин қойиллатадиган синфдош ўртоғим-нинг тўйига бордик. Кўёб бўлиши, биз — икки-уч нафар синфдошга пешвоз чиқиб, тўйхонага бошлаб кирдик. Кўёбнинг маҳалладаги дўст-лари, тенгқур, кариндош-уруғлари жам бўлган хонага яқинлашаркан-миз, кулогимизга ўрнча гап-сўзлар чалинди. Давра аҳли билан кўришдик (узлар — ўрнчада хол сўради. Аммо



бари ўзбек тилини билади!). Тўрдан жой беришди. Иззат-хурматимизни жойига қўйишди. Улардан бири ёнимдаги ўртоғимдан ўрнчада нималар сўради. Шунда ўртоғим: "Извините, я не знаю русский", деди. Сўнгра, савол ўзбек тилида берилди...

Ҳақиқатан у ўрис тилини бил-масди. Лекин нега билмаслигини ўзбек тилида айтмади экан, деб ўй-лаб-ўйинга етолмадим. Тўғри-да, ўзимизнинг тилда "ўрнча"ни бил-майман", деганида биров муштуғи-ни "пишт" дермиди? Ёки ўша вази-ятда шундай дейишга уялдимикан?

Иккинчи воқеа. Пойтахт-даман. Тушлик пайтида ёш ёзувчи дўстим билан тамаддонхонага кир-дик. Патнисбардор таомномани келтирди-да, ўрнчада: "Нима буюрасизлар?" деди. Шергим эса ўзимизнинг тилда: "Бир яримта-нон, битта аччик кўк чой, икки-

та палов ва шакароб", деди. Пат-нисбардор йигит: "Кечирасиз, мен ўзбекчани билмайман", деди ўз тилида. Ёш ёзувчи эса ўрнча яхши билишини, аммо ўзбекча сўз-лашини қатъий таъкидлади. Сўнг унга раҳми келдим, таомномага никтаб (шунда ҳам, ўзбек тилида), ётиги билан тушунтиргач, илова қилди: "Артёмбой, ўзбекчани ўр-ганиб олинг, ука! Биз Ўзбекистон-да яшаймиз!", Артём бош ирғаб, кетди. Шергим менга юзланди: "Дўстим, ўзинг айт, қандай қилиб, ўзимнинг тупроғимда, ўзимнинг бободехқонларим етиштирган неъ-матлардан тайёрган халол лўк-мамни бошқа тилда "олиб кел", дейман? Бу мен учун уят-ку!" деди.

МАҲМУД КОШГАРИЙНИНГ "Девону луғотит турк"ида битил-ган шундай ҳикоятлар борки, бугун уларнинг маъносини луғатсиз ту-шуниш мумкин:

"Ўт деган билан оғиз қуй-мас" (Маҳмуд Кошгарий. "Девону луғотит турк". II том, Тошкент, 1960 йил. 78-бет); "Оғилда буюк туғилса, ариқда ўти унади" (ўша манба, 96-бет); "Ғоз кўтари-лса, қўл юзани ўрдак эгаллайди" (ўша манба, 128-бет); "Қўш қилич бир кинга сиймайди" (ўша манба, 340-бет); "Қудукда сув бор, аммо итинги бурни тегмайди" (ўша манба, 356-бет); "Пичок қанча ўткир бўлса ҳам, ўз сопини йўн-майди (кесмайди)" (ўша манба, 366-бет); "Ботир жанга синала-ди, доно мажлисда" (ўша манба, 369-бет); "Уйда ўсган буюк ҳеч вақт хўкиз бўлмайди" (ўша манба, 417-бет); "Қутсиз қудукка кирса, қум ёғар" (ўша манба, 426-бет); "Бўладиган буюк ёшлигдаёқ хўкизлар орасида белги беради (билнади)" (ўша манба, 480-бет).

Мазкур битиклар нури-ла кўна тилининг нозик кирралари жиловла-нади. Бу ҳаётий сўзларнинг ран-ги, таъми ва ҳароратини ҳис этиш мумкин. Тилимизнинг инсоният тафаккури тарихида мухташам ўрни борлигидан ногоҳ гурурлан-миз. Гурурланамизки, иккинчи тарафдан кўнгилни ғашлик чулғай-ди: бизгача бус-бутун келган тил, келгуси наслларга эсон-омон этиб барармикан? Минг йилдан кейин ҳозирги ўзбек тилини луғатларсиз ўқиб имкони бўлармикан?

Назаримда, миллат ва тил сўзи битта маънони аңлатади...

Тил бобила ҳеч ким миллатимиз иззати нафсига тега олмайди! Эҳти-мол, ўзга халқлар, тили келишимай, ўзбекча сўзларимизни мулом тўри талаффуз эта олмас. Балки юртимиз номи бошқа тилларда "Ўзбекистан", халқимиз эса "ўзбек" тарзида жаран-лар — бу билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Фақат забонимиз чегара-ларини аниқ белгилаб, бошқа тил-лар талаффузига тақлид қилмасак қифоя. Ўзбек тилининг бой хази-наси бўла туриб, бошқа тиллардан қарзга сўз олмасак, бае! Дейлик, "Гомер" билан "Ҳомер", "Исикава" билан "Ишикава", "Альбер" билан "Албер"ни ўз лисоний йўригимизга кўра фарқлашмасликка ҳаққимиз йўқ. Миллат манфаатлари учун болган-бол, унинг тараккиёти йўлида шимарилган энг борки, у энг аввало, ўз она тилини ҳимоя қилиши фарз.

Алибек АНВАРИЙ

Eksklyuziv

Юртимиздаги ислохот-лар жараёнига кўмак-лашиш мақсадида ўтган йилдан "Буюк келажак" экспертлар кенгаши иш бошлаган-ди. Унинг атрофида хориждаги нуфузли компания ва ташки-лотларда фаолият юритаётган кўплаб ватандошларимиз бириккан.



"Буюк келажак" эксперти: ЭНДИ ЁНДАШУВ ЎЗГАРЯПТИ

Инсон капитални ривожлантириш учун таълим соҳасида қилиниши керак бўлган ишлар хусусида "Буюк келажак" экспертлари-дан бири, Япониядаги Нагоя иқтисодийт уни-верситети профессо-ри Алишер Умрдинов билан суҳбатлашдик.



— Алишер ака, сиз бизнес ҳуқуқи факультетида дарс берасиз. Бу соҳанинг аҳамияти нимада?

— Мутахассислигим бўйича халқа-ро ҳуқуқшуносман. Бизнес ҳуқуқи унинг бир қисми ҳисобланади. Ушбу соҳа давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар — савдо-айирбошлаш, инвестиция фаолияти, хизмат кўрсати-тиш, солиққа тортиш ва бошқаларни тартибга солиди. Бу йўналиш Ўзбекис-тон учун ҳам долзарб. Чунки бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиряпмиз. Қолаверса, Жаҳон сав-до ташкилотига аъзо бўлиш бўйича ҳа-ракат бошланган. Демак, халқаро иқти-содий ҳуқуқ бўйича кадрларга эҳтиёж катта. Афсуски, ҳозирча мамлакатимиз-да уларнинг сони жуда кам.

— Нима деб ўйлайсиз, буюк алло-малар авлоди бўлишимизга қара-май, баъзи ривожланаётган мам-лакатлардан илм-фан бобида ортда қолаётганимизга қандай омиллар сабаб бўляпти?

— Очиги, бу саволга батафсил жавоб бериш учун билим ва тажриба етарли эмас. Аммо айтганим гапим шунки, олим бюрократнинг қўли остида эзилса, илм ривожланмайди. Масалан, Хитойда олим-ларнинг эркин фаолият олиб боришига шароит яратилган. Улар моддий жиҳатдан яхшигина рағбатлантирилади. Шу тўғай-ли Хитой илмда анча илгарилар кетди. Ўзбекистонда эса, аксинча, бюрократ-тига йўл очилган. Раҳбарга қай тариха ёқиб тамойили устунлик қилмоқда. На-тижада ёшлар бугунги кун талабларига жавоб бериш, китобхон, билимдон бў-лиш, чет тилларни ўрганишга қизиқмай қўйди. Давлат идоралари, корхона ва

ташкilotларга ишга жойлашиш акса-рият ҳолларда таниш-билишчилик орқа-ли бўлар эди. Мана, энди ёндашув ўзгар-япти, билимнинг қадри ортяпти. Шунга яраш ёшлар кўпроқ ўқиб-излашишга ҳа-ракат қилмоқда. Умуманга, яқин истикболда илми ардоқлайдиган мил-латга айланамиз!

— Гапингизга қараганда Япония-да таълим тизими бошқача.

— Тўғри. Бу ерда ўқитиш методикаси бизникдан тубдан фарқланади. Масалан, дарс мазмунини ўқувчининг ўзи белги-лайди. Албатта, таълим вазириятнинг ҳам муайян талаблари бор. Лекин у фор-мат, ҳолос. Даредо қайси мазмуни ўри-б, қайси адабиётдан фойдаланишни педагог хал қилади. Бу жиҳатдан Япония анча эркин мамлакат. Айтилик, ҳуқуқшунос-ларни тайёрлашда мавжуд ҳуқуқ тизими-ни ёлғиз эмас, балки амалиётда татбиқ этишга эътибор қаратилади. Ўзбекистон-да айнан шу усул яхши ривожланмаган. Шунинг учун амалиётга қўрган талаба бошида кўниқолмай қийналади.

— Келажакда соҳанингизга оид қан-дай ишлар қилмоқчисиз?

— Мени доимо бир фикр қийнади: буюк алломаларимиз VIII-IX асрларда ионун ва рим маданиятига оид кўп китоб-ларни таржима қилиб, билимни бойит-ган ва янада мукамаллаштириб, Евро-пага тақдим этган. Аждоллардан ўрпақ олган ҳолда мен ҳам ҳуқуқшуносликка оид нодир адабиётларни ўзбек тилига ўғирмоқчиман. Сабаби бундай таржима-лар йўқ ҳисоб.

Сарвиноз САКСОНОВА суҳбатлашди.

Tashabbus Ёз ўтмоқда соз!

Иштихон туманидаги 10-умумтаълим мактабда китобхонлик тадбири бўлиб ўтди. Ёшлар иттифоқи туман кенгаши ўтказган тадбирда ўғил-қизлар ўқи-ган бадиий асарлари, шо-ир-ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди бўйича қизгин мунозара олиб борди. Туман кенгаши ташаб-буси билан мактабни аъло баҳоларга туғатган бир гу-руҳ ёшлар Бухоро вилоят-даги тарихий масканларга саёҳат қилди.



Шахноза ХОЛИҚОВА

Тожикистонлик журналистлар юртимизга ташриф буюрди

Тожикистоннинг бир гуруҳ етакчи оммавий ахборот восита-лари вакиллари учун Ўзбекис-тонга пресс-тур ташкил этилди. 7 июнь куни пойтахтимиздаги Миллий мабуот марказида уч-рашув ўтказилди. Икки мамлакат Президент-лари амалий саъй-ҳаракатлари натижасида халқларимиз ўрта-сидаги муносабатлар дўстона руҳда мустаҳкамланмоқда. Бу жиҳатлар ОАВ соҳасида ҳам ўз аксини топган. Кейинги 2-3 йил мобайнида ўзбекистонлик жур-налистлар бир неча бор Тожи-кистонда бўлиб қайтди. Ўз нав-багида, тожикистонлик медиа тусида вакиллари ҳам Ўзбе-кистонда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар билан танишиш имконига эга бўлди. Учрашувда сўзга чиққан Ўзбе-

кистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳа-кимов, Ўзбекистон журналист-ларни қайта тайёрлаш маркази директори Гулнора Бобоёнова ва тожикистонлик меҳмонлар бу жиҳатларни алоҳида эътироф этди. Маълумотларга кўра, мамла-катимизда 1,5 миллионга яқин тожик миллатига мансуб юрт-дошларимиз истикомат қилади. Улар орасида таниқли ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, давлат ташкилоти раҳбарлари ҳамда давлатимизнинг юксак муко-фотлари билан тақдирланган ҳамюртларимиз кўп. Ўзбекис-тонда 245-умумтаълим макта-биде тожик тилида таълим бе-рилади. — Ўзбек ва тожик халқлари-ни нафақат қўшничилик, ягона

Гулнора БОБОЕВА, ЎЗА муҳбири

Saxovat Пуллар тўлаб берилди

Тошлоқлик 5 ёшли Эътиборхон Каримова тутма юрак пороғи билан туғилган. Иттифокнинг вилоят кенгаши ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси кизалоқнинг жарроҳлик операциясига кетадиган пулларни тўлаб берди. Риштонлик 9 ёшли Мухаммадзод Собиров мен-тал арифметика бўйича Хитойда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида йўлнамани қўлга киритган, бироқ маблағ етишмаслиги сабабли мусобақага бора олмаётгани. Ёшлар иттифоқи вилоят кенга-ши мусобақига бориб-қелиш ҳаракатини қоплай-диган бўлди. Ёшлар оилгида вилоятда бундай хайрли ишлар давом этмоқда. Гулрухсор ХУДОЙБЕРДИЕВА



Mutolaa san'ati

QANDAY O'QISH KERAK?

Hozirgi paytga kelib, Ispaniyada har qachongidan ko'ra ko'proq kitob o'qilyapti, kitob bozorlari ham hech qachon bunchalik gavjum bo'lmagan. Ko'plab sarguzasht kitoblar chop etildi, shu singari tarixiy mavzudagi asarlar, chinakam va badiiy biografialar, she'riy to'plamlar, hikoyalari, ilmiy tadqiqotlar...



Asoring (Xose Martinis Ruis. 1873-1967-yillar) Ispan yozuvchisi, mashhur "98-yillar avlodi" adabiy oqimi asoschilaridan biri. Ispan mumtoz adabiyoti namoyandalari, milliy tarix, mamlakat tabiati haqida tadqiqotlar, qator roman va dramatik asarlar yozgan.

Kamina ham hamisha tirishqoq o'quvchi bo'lsa-da, kitoblarning dahshatli girdobida o'z kuch-quvvatini hisob-kitobli qoldi, deb hisoblaydi. Nashr qilingan barcha go'zal asarlarni o'qish istagi, shiddatli istak tinch qo'yamaydi, ammo endilikda mutolaa imkoniyatlarim beg'ubor yoshlik paytdagidek emas. Kamina yoshligida shiddat bilan o'qigan kitoblarni qayta o'qib chiqishni ham xohlaydi-yu, ammo mualliflar marhamat qilib yuborgan yangi kitoblarni o'qishga ham fursat yetmay qoldi.

hurmat qilib yuborgan kitoblarni o'qib borasan.

Nihoyat, kitob qanday o'qiladi? Shubhasiz, o'qish yo'li yagona emas, juda ko'p. Haqiqatan, shunday. O'qish yo'lini belgilashda kitobxonning kimligi, yoshi, u mutolaa boshlagandagi shart-sharoit va nihoyat, o'qilishi lozim kitobning o'zi qanaqaligi hisobga olinadi. Shuningdek, unutmangki, qaysi kitobni o'qish kerakligini aniqlashdan tashqari, qay birlarini o'qimaslikni uzil-kesil hal qilish joiz. Oldingisidan ko'ra, keyingisi juda muhim.

Avvalo bilib olaylik: mana shu kitobni o'qib chiqqan degan asos bilangina mutolaa kirishish mumkin emas. Aynan mana shu kitobni o'qish zarurat ekaniga to'liq ishonch hosil qilgandan keyingina o'qishga tutining. Asta-sekin o'qing, huzurlanib o'qing, agar tanqidchi bo'lsangiz, nimadir yozish uchun emas, keyinchalik do'stlar davrasida hikoya qilish niyatida ham o'qimang. Xullas, kitob o'qiyotganda biror maqsad yo ehtiyojni nazarda tutmaslik kerak. Ana shundaygina kitob ma'no-mohiyatini xolisona anglab yetishingiz mumkin. O'zingizni toliqtirib qo'ymang, charchagan o'quvchi o'zi xohlab o'qiyotgan, yaxshi kayfiyatdagi kitobxonchalik mutolaadan lazzat olmaydi.

Yangi kitobning qandayligini bilish uchun tajribali kitobxonga bir necha sahifani o'qish kifoya: ilk sahifalar qanday yozilsa, qolgani ham shunday bo'ladi. Har qanday yozuvchining o'ziga xos betakror ohangi bor, o'shani tutib olsang, asarni to'liq his qilasan.

Yangi kitob sotib olish masalasida o'ta

sinchkovman, hammasiga ham ishonavermaslikka harakat qilaman. Ammo jo'shqin o'qish ishtiyoqida endigina pochtadan yuborilgan jildni qo'lga olaman. Ma'lum bo'ladi, yana behuda vaqt o'tkazayman.


Kayfiyatning o'zgaruvchanligi ham o'qiyotgan kitobning ma'no-mohiyatini anglab yetishga ta'sir ko'rsatadi. O'quvchiga halal beruvchi bundan boshqa vaziyatlar ham bor. Kitobxon asabiylashganda yoki ko'tarinki ruhda bo'lganda "Don Kixot" yoki "Hamlet"ning o'qilishida farq bo'lmaydimi? Nahotki, uyqusiz tundan keyingi charchoqda yoki bardam, tiniq fikr bilan o'qishning farqi bo'lmasa? Chuqur qayg'uga botganda yoxud behad quvonganda ham kitob o'qish maqsadga muvofiq emas. Chunki o'zganing quvunch va tashvishlariga nisbatan inson ongida o'zini o'zi himoyalash sezgisi uyg'onadi. O'ta hayajonlanganda ham o'qish yaramaydi. Yozuvchi his-hayajon og'ushida ijod qilishi kerak, deganlarga ishonmang. Hayajonga berilish — bu barchaga ma'lum — ko'p yoki oz darajada fikr tiniqligiga putur yetkazadi. Shunday lahzalarda his-tuyg'ularni ifodalash uchun so'z topilmay qoladi. Agar hayajonlanib ketsang, nimalarnidir ming'irlaysan-u, arziri hech gap ayta olmayman. Mana shunday holatda o'qiyotgan narsangni tushuna olish mumkinmi? Qanday qilib yozish mumkin?

1944-yil

Rus tilidan HUMOYUN tarjimasini.

Mutolaa zavqi

Meni hayratlantirgan avlodlar



Kitob o'qishni xush ko'raman. Imkon topdim deguncha biron badiiy asarni qo'limga olib, mutolaa muk tushaman. Kitobning ziyosi, tafti meni mudom o'ziga tortadi. Qiziqarli sujetlar, qahramonlarning taqdiri, o'y-fikr va kechinmalaridan ta'sirlanib, ular bilan birga yashayman, go'yo. Buning zavqi boshqacha!

Zahiriddin Muhammad Boburga xos kuchli iroda, sabr-bardosh farzandlarining fe'l-atvoriga ham ko'chgan. Faqat negadir buyuk shajaraning Akbar Mirzodan keyingi vakillarida bunday sifatlar namoyon bo'lmaydi. Bu jihat hayratimni oshirdi. Demak, har kim ham buyuk ajdodlari singari mard, olijanob bo'lolmas ekan-da, degan xulosaga kelim.

Ba'zi mansabparast shaxslar og'a-ini, ota va farzand o'rtasida adovat uyg'otib, boburiylar sulolasining bardavomligiga raxna solishga intilgani tarixdan ma'lum. Akbar Mirzo va o'g'li Salim o'rtasiga sovuqchilik tushishida ham

ularning qo'li bor. G'arazgo'yilarga ergashgan valiahning tarbiyasi buziladi, qalbid chirkin niyatlar ildiz otib, amallari qabihlashadi. Kitobxon bunday holatni kuzatar ekan, inson taqdiriga u tarbiyalangan muhit va uni tarbiyalagan insonlar bevosita ta'sir ko'rsatishiga ishonch hosil qiladi.

"Avlodlar dovoni" romani menda katta taassurot qoldirdi. Uni siz ham albatta o'qib chiqing, tengdoshim.

Sevara SAYFIYEVA, Parkent tumanidagi 4-umumta'lim maktabi o'quvchisi

Buyuk adiblar ijodiga hurmatim bilan. Pirmuqol Qodirovning "Yulduzli tunlar" romani menda nechog'liq katta taassurot qoldirdi bo'lsa, uning mantiqiy davomi bo'lgan "Avlodlar dovoni" shunchalik o'ziga romi etdi.

Asarda boburiy shahzodalari yashagan davr, saltanatdagi ma'naviy muhit ro'y-rost ko'rsatib beriladi. Bobomiz

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR Faxriddin KARIMOV TAHRIR HAY'ATI Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrinoz Abbasova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev - bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irlina Kochergina - bosh muharrir o'rinbosari ("Molodjez Uzbekistana"), Javlon Vafoyev - mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina - mas'ul kotib ("Molodjez Uzbekistana")

Navbatchi Sherzod MAHMUDOV Dizayner Xurshid ABDULLAYEV Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)

"Sharq" nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma tabaq. Ko'rxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41. Indeks: 203, 3203. Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-613 Adadi — 20928. Boshqacha topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 00.55 O'za yakuni — 00.40

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI HUZURIDAGI JAMOAT FONDI "MA'NAN YETUK VA YUKSAK MA'RIFATLI YOSH AVLODNI TARBIVYALASHDA IJTIMOYIY SHERIKLIKNI KUCHAYTIRISH" MAVZUSIDA DAVLAT GRANTLARI AJRATISH UCHUN TANLOV E'LVON QILADI

Tanlovga nodavlat notijorat tashkilotlari, ommaviy axborot vositalari va fuqarolik jamiyati boshqa institutlarining quyidagi maqsadlarni nazarda tutgan ijtimoiy ahamiyatga molik loyiha buyurtmanomalarini qabul qilindi:

- yoshlarning biznes tashabbuslari, startaplari, g'oyalari va loyihalarini amalga oshirishga, band bo'lmagan ish-siz yoshlarni foydali mehnat faoliyatiga o'rgatish va bandligini ta'minlashga ko'maklashish;
- yoshlarning intellektual salohiyatini yuksaltirish, ularni innovatsion fikrflashga, kashfiyotchilik, ratsionalizatorlik g'oyalar va nau-xaularni ishlab chiqishga yo'naltirish;
- o'sib kelayotgan yosh avlodni milliy va umumbashariy qadriyatlar, ona Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalashga ko'maklashish, buzg'unchi g'oyalarga qarshi immunitetini yanada kuchaytirish;
- yoshlarning yurtga sadoqat, ma-

- daniy merosga hurmat tuyg'ularini mustahkamlashga, ularni ommaviy madaniyatning illatlari ta'siridan himoya qilishga ko'maklashish;
- yoshlarning keng ko'lami ijtimoiy muammolarini hal qilishga, ularning tashabbuslari va zamonaviy g'oyalari-ni ilgari surishga qaratilgan loyihalarini qo'llab-quvvatlash;
- yoshlar orasida kitob o'qish madaniyatini shakllantirish va kitobxonlikni aholining keng qatlamlari o'rtasida targ'ib qilish;
- o'smirlar, yoshlar o'rtasida huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olish, "Jaholatga qarshi ma'rifati" g'oyasi asosida keng targ'ibot ishlarini amalga oshirishda zamonaviy axborot-kommuni-

nikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanish;

- yaqin qarindoshlar o'rtasidagi va erta nikohning, oilada ijtimoiy-ma'naviy muhitga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi, nizoli vaziyatlarning oldini olishga, sog'lom ma'naviy muhitni ta'minlashga ko'maklashish;
- o'sib kelayotgan yosh avlodda otanonani, keksalarni hurmat qilish, e'zozli vaziyatlarning oldini olishga, sog'lom ma'naviy muhitni ta'minlashga ko'maklashish;
- yoshlarni, ayniqsa, yosh qizlarni, yosh oilalarni oilaviy va xususiy tadbirkorlikka, hunarmandchilikni tashkil etishga ko'maklashish;
- uyushmagan hamda noqonuniy mehnat migrantlari natijasida xorijiy davlatlardan deportatsiya qilingan yoshlar bandligini ta'minlash, ularni mamlakatdagi bunyodkorlik ishlariga keng jalb qilish.

DAVLAT GRANTI TANLOVIDA ISHTIROK ETISH UCHUN QUYIDAGI HUIJATLAR TAQDIM ETILADI:

1. Tashkilot rahbari tomonidan imzolangan va muhr bilan tasdiqlangan kuzatuv xati.
2. www.fundngo.uz veb-saytida joylashtirilgan shaklda to'ldirilgan davlat granti loyihasi uchun ariza.
3. Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan Ustav (Nizomi) hamda guvohnomaning muhr bilan tasdiqlangan nusxasi.
4. Agar loyihani amalga oshirish litsenziyalanadigan faoliyatni talab qilsa, unda litsenziyaning nusxasi taqdim etiladi.
5. Manfaatdor davlat va yirik jamoat tashkilotlari bilan tuzilgan ijtimoiy sheriklik qo'shma rejalari ilova qilinishi mumkin.
Bitta loyiha uchun davlat granti miqdori — 30 million so'mgacha. Arizalar 2019-yil 29-maydan 4-iyulgacha qabul qilinadi.

Hujjatlar O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi huzuridagi NNTlarni va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlarini qo'llab-quvvatlash jamoat fondi nomiga "O'zbekiston pochatasi" orqali yuboriladigan muhrlangan konvertlarda (A4 formatda) quyidagi manzil bo'yicha qabul qilinadi: 100163, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 43-uy. Hujjatlar namunalari bilan Oliy Majlis huzuridagi jamoat fondining www.fundngo.uz rasmiy veb-saytida tanishish mumkin.

Ma'lumot uchun telefonlar: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI HUZURIDAGI JAMOAT FONDI "SOG'LOM TURMUSH TARZINI QAROR TOPTIRISHDA FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARINING FAOLIGINI OSHIRISH" MAVZUSIDA DAVLAT GRANTLARI AJRATISH UCHUN TANLOV E'LVON QILADI

Tanlovga nodavlat notijorat tashkilotlari, ommaviy axborot vositalari va fuqarolik jamiyati boshqa institutlarining quyidagi maqsadlarni nazarda tutgan ijtimoiy ahamiyatga molik loyiha buyurtmanomalarini qabul qilindi:

- oila qurish yoshidagi yigit va qizlarni ma'naviy-ruhiy jihatdan tayyorlashga, oilaning muqaddasligi va jamiyatning asosiy bo'g'ini ekanligini ularning ongiga singdirishga ko'maklashish;
- oilada va mahallada sog'lom muhitni mustahkamlash; yoshlar tarbiyasini yuksaltirishga shart-sharoitlar yaratish, erta va yaqin qarindoshlar o'rtasidagi nikohning salbiy oqibatlarini targ'ib qilish;
- xotin-qizlarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishga, oilalarda sog'lom muhitni mustahkamlashga, onalik va bolalikni muhofaza qilishga qaratilgan loyihalarni qo'llab-quvvatlash;
- nizoli vaziyatlar, oilaviy-maishiy zo'rlik ishlatish holatlarini va o'z joniga qasd qilishga moyil xulq-atvorni erta bartaraf etishda davlat organlari bilan o'zaro hamkorlikni shakllantirish;

- sog'lom farzandlar dunyoga kelishining muhim omili sifatida aholining reprodaktiv salomatligini mustahkamlashga, bolalarning tug'ma kasalliklar va nuqsonlar bilan dunyoga kelishining oldini olish va profilaktikasiga bag'ishlangan materiallar tayyorlash, aholi o'rtasida targ'ib etish;
- mahallalarda sport to'garaklarini tashkil etish, bolalar, yoshlar, xotin-qizlarni ommaviy sport turlari bilan shug'ullanishga jalb qilish, aholi o'rtasida sog'lom turmush tarzi an'analarni mustahkamlashga ko'maklashish;
- aholining ekologik va tibbiy madaniyatini yuksaltirish, to'g'ri ovqatlanish madaniyatini ommalashtirish, sog'lom turmush tarzi targ'ib qilish;
- davlat organlari bilan hamkorlikda fuqarolar yig'inlarida jismoniy tarbiya

va sportni rivojlantirishga oid dasturlarni amalga oshirish;


- mahallalar hududlarida atrof-muhitni muhofaza qilish, qishloq joylardagi aholi punktlarida obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish, sanjariya-ekologik muhitni yaxshilashga qaratilgan tadbirlarni amalga oshirishga ko'maklashish;
- aholini turli yuqumli kasalliklarga (OIV infektsiyasi, sil, bezgak, onkologik kasalliklar) chalinish holatlarining oldini olishda tibbiyot muassasalarini bilan ijtimoiy sheriklikni kuchaytirish;
- mahallalarda avj oshirayotgan va yer resurslarining ifloslanishini kamaytirishga, biologik xilma-xillikni saqlashga, qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlashga innovatsion texnologiyalarni jalb etishga ko'maklashish.

DAVLAT GRANTI TANLOVIDA ISHTIROK ETISH UCHUN QUYIDAGI HUIJATLAR TAQDIM ETILADI:

1. Tashkilot rahbari tomonidan imzolangan va muhr bilan tasdiqlangan kuzatuv xati.
2. www.fundngo.uz veb-saytida joylashtirilgan shaklda to'ldirilgan davlat granti loyihasi uchun ariza.
3. Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan Ustav (Nizomi) hamda guvohnomaning muhr bilan tasdiqlangan nusxasi.
4. Agar loyihani amalga oshirish litsenziyalanadigan faoliyatni talab qilsa, unda litsenziyaning nusxasi taqdim etiladi.
5. Manfaatdor davlat va yirik jamoat tashkilotlari bilan tuzilgan ijtimoiy sheriklik qo'shma rejalari ilova qilinishi mumkin.
Bitta loyiha uchun davlat granti miqdori — 30 million so'mgacha. Arizalar 2019-yil 29-maydan 4-iyulgacha qabul qilinadi.

Hujjatlar O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi huzuridagi NNTlarni va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlarini qo'llab-quvvatlash jamoat fondi nomiga "O'zbekiston pochatasi" orqali yuboriladigan muhrlangan konvertlarda (A4 formatda) quyidagi manzil bo'yicha qabul qilinadi: 100163, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 43-uy. Hujjatlar namunalari bilan Oliy Majlis huzuridagi jamoat fondining www.fundngo.uz rasmiy veb-saytida tanishish mumkin.

Ma'lumot uchun telefonlar: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.



Mahorat maktabi

Taftish

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI O'ZBEK FILOLOGIYASII FAKULTETI TALABALARI "HAYOTDA NIMA UCHUN YASHAYAPMAN?" DEGAN SAVOLGA JAVOB BERIB, O'Z FIKR-MULOHAZALARINI BILDIRDIL.

Hayotda nima uchun yashayapman? Bolalikda bu haqida o'ylamaymiz. Ammo vaqt o'taverishi bilan insonni mana shunday savollar qiynay boshlaydi. Ba'zan javob topasiz, ba'zan yo'q. Maqsadlarim juda ko'p va aniq e'tid. Ustozlarimdan hayot haqida turli mulohazalarni eshitganim sari maqsadim o'zgarib bordi. Osmondan yerga tushdim. Rumi: "Menga quruq gap bilan quchoq to'ldiradiganlarni emas, amaliy ish qiladiganlarni keltirib, men ham amaliy ishini ko'rsataman", degan ekan.

Yashashdan maqsadim insonlarga, avvalo, ayollarga yordam berish. Inson kim bo'lishidan qat'i nazar, bu dunyoda yaxshilik qilib yashashi kerak deb o'ylayman.

YORQINOY

Bir kuni do'stim tongda xo'roz qichqirmasdan qo'ng'iroq qilib: "Salom, o'rtog'! Yaxshimisan, tinchmisan? Ahvollaring yaxshimi?"

deb quyuq so'rasdi. Men hayron qoldim. U "Seni tushimda ko'ribman. Yomon tush. Shunga xavotir olib telefon qilayapman", dedi.

Men juda ta'sirlanib ketdim. Nimalar his qilganimni o'zingiz idrok eting. Ammo bu voqea yashashga shunchalar umid bag'ishladiki, asti qo'yavering!

Shahzod SHODMON

Inson bir tomchi suv singari hayot atalmish ummonning to'liqlinlari, toshqin-u to'fonlari ichra yashaydi. Umr biz uchun berilgan ne'mat. Hayot misli ko'zgu. Bu ummondan yashashimdan maqsad ezuq amallar qoldirish. Kimningdir xursandchiligiga sabab bo'lib, shu orqali bextni his qilish...

CHINNIGUL

"Yoshlar ovozi" va "Молодежь Узбекистана" gazetalar jamoalari "Yoshlar ovozi" gazetasi loyiha ijrochisi Risolat Madiyevaga onasi

O'RINGUL ayaning

vafoti munosabati bilan ta'ziya izhor etadi.